Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1991 йил 27 июнь
ПАЙШАНБА
№ 122 (5.164).
БАҲОСИ 8 ТИЙИН

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган ◆ Ҳафтада беш марта чоп этилади

# ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

## ИЖАРА ХОСИЯТИ

Ўлкамизда пишиқчилик. Сабзавоткор ва боғбонларнинг ташвишлари тобора ортмоқда. Уларнинг нияти — тинимсиз меҳнат, пешона тери эвазига етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида йиғиштириб олиш, сифатини йўқотмай сотиш.

Қува районидаги «Социализм» колхозининг Полвонтош адирлари ёнбағридаги боғлари дилни яшнатиб юборади. Саратон офтобида тобланиб, бол йиғаётган мевалар кўзни қувонтиради.

— Бу боғлардан ҳар йили мўл ҳосил олаяпмиз, — деди бош агроном Мўминжон Маматов. — Шу кунларда ўрик, шафтоли терими авжига чиқмоқда. Хўжалигимизда 68 гектар мевазор бўлиб, олма, беҳи, ўрик, шафтоли, анор етиштирилмоқда.

Бизни ўрта бўйли, қорачадан келган бригада бошлиғи Тоиржон Қосимов кутиб олди.

— Ҳосил пишиб етилмоқда, — деди у. — Вазифа бир дона ҳам мевани нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборат. Мавжуд боғлар шартнома асосида 62 нафар ижарачига тақсимлаб берилган. Жорий йилда 310 тонна сифатли мева етиштиришга, шундан 215 тоннасини давлатга сотишга аҳд қилганмиз.

Боғдорчиликда ижара пудрати қўлланилиши яхши натижа бераяпти. Илгари бу соҳага иккинчи даражали деб қаралар, етилган ҳосилни нобуд қилиш ҳоллари содир бўларди. Эндиликда боғларнинг жонкуяр эгалари бор. Ҳар туп дарахт, унинг меваси ҳисобда. Қаровсиз ётган 10 гектарлик боғни Ғанижон Ёқубов ижарага олганди. У ҳақиқий боғбон қўлига ўтгандан кейин иш юришиб кетди.

Шу кунларда Ғанижон бошлиқ оила аъзоларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар терилган ўрикни пешма-пеш жўнатишмоқда. Шунингдек Ҳалимжон Ёқубов, Шоирахон Алиева каби ижарачилар ҳам мева териш ва топширишни қизитмоқдалар. Биз эл дастурхонини тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшиш йўлида шижоат кўрсатаётган боғбонларга ютуқлар тиладик.

**А. ТУХТАСИНОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

* * *



**СУРАТДА: ижарачи Шоирахон Алиева. У кунига 100—120 килограмм ўрик тераяпти.**

Л. КИМ олган сурат.

## МЕВА ҒАРҚ ПИШДИ

«Қибрай» давлат хўжалиги боғбонлари тошкентликлар дастурхонига 50 тонна гилос жўнатишди.

Мевали дарахтларни моҳирона парваришлаш натижасида хўжалик мўл ҳосил олмоқда. Ф. Розиқов бошчилигидаги бўлимда 40 гектарлик боғ бор. Бу йил 20 гектар ердаги гилос пишиб етилди. Унинг эртаги навларини жуда қисқа муддатда териб олган деҳқонлар эндиликда кечки гилосни савдо тармоқларига жўната бошладилар.

— Ҳар куни тўрт-беш тонна мева териб олаяпмиз, — дейди бригада бошлиғи У. Улуғхўжаева. — Тиббиёт техникуми ва ижтимоий таъминот техникуми талабалари бизга ёрдам бергани келишди. Ёрдамчиларимиз ишлаши ва дам олиши учун ҳамма шарт-шароитни яратиб бердик. Акс ҳолда, бу ишни ўз кучимиз билан уддалашимиз амри маҳол бўлар эди. Мавсумда жами 75 тонна гилос териб олмоқчимиз.

Хўжаликда эртаги шафтоли ҳам терила бошланди. Боғбонлар биринчи куни 300 килограммдан кўпроқ шафтолини истеъмолчиларга жўнатдилар.

## КОЛХОЗДА ОБЖУВОЗ

Фрунзе районининг Наманган вилояти билан туташ адир ерларида шоличилик яхши йўлга қўйилган. Бу экиндан йил сайин мўл ҳосил олинмоқда. Яқинда деҳқонлар учун катта қулайлик яратилди. Карл Маркс номли жамоа хўжалигида шоли оқлаш цехи қурилиб, ишга туширилди. Лойиҳа қиймати 30 минг сўм бўлган кичик корхона икки ой ичида қўлдан чиқарилди.

Диққатга сазовор томони шундаки, шоликорлар бу ерда ўз маҳсулотларини келида туйишлари ҳам мумкин. Ҳар бири 110 килограммлик сиғимга эга бўлган олтита кели ишлаб турибди. Цехни «Агрокоммунстрой» хўжаликлараро корхонаси қурувчилари бунёд этдилар. Бу борада Турғунпўлат Исроилов, Адҳамжон Худойбердиев, Икром Исмоилов сингари ташаббускорларнинг хизмати катта бўлди.

## ТАШРИФ АРАФАСИДА

СССР Президентининг ёрдамчиси, матбуот шўбасининг раҳбари В. Н. Игнатенко 25 июнь куни Москвада журналистлар билан учрашув ўтказди. У Финляндия Президенти М. Койвистонинг СССРга расмий ташрифи якунларини Совет — Финляндия дўстлигининг янги поғонаси далили, деб атади. Унинг сўзларига қараганда, бу ташриф рўйростлик, ишонч, бирдамлик ва ўзаро манфаатдорлик — Совет—Финляндия муносабатларининг негизи эканлигини тасдиқлади.

Матбуот шўъбаси раҳбарининг маълум қилишича, 5 июль куни Москва Горбачевнинг ГФР федерал-канцлери Г. Коль билан бўладиган учрашуви очиқ кун тартиби билан ўтказилади. Унда икки томонлама муносабат масалалари, Европадаги вазият, етти етакчи давлат бошлиқларининг бўлғуси кенгаши муҳокама қилиниши назарда тутилмоқда.

СССР Президенти Ғарбдаги етти етакчи мамлакат раҳбарларининг Лондондаги учрашувига таклиф этилганлиги муносабати билан М. С. Горбачевнинг сешанба куни Кремлда Гарвард университети профессори Г. Эллисон билан бўлган суҳбати журналистларни ғоят қизиқтирди. Бу суҳбатда СССР Хавфсизлик Кенгашининг аъзоси академик Е. М. Примаков билан Совет иқтисодчиси Г. А. Явлинский иштирок этди. Қайд этилишича, М. С. Горбачев етти давлат бошлиғи билан учрашувга ҳозирлик кўриб, СССР Вазирлар Маҳкамасининг дастурини ва Г. А. Явлинскийнинг Ғарбдаги бир қанча мутахассислар билан биргаликда тайёрлаган дастурини, шунингдек халқаро валюта фондининг, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг тавсияномаларини таҳлил этмоқда. Иккала режанинг бир-бирига мос келадиган жиҳатлари жуда кўп, ўхшашлик 90—95 фоизга боради. Шу сабабли «уларнинг бири иккинчисисиз яшай олмайди». Ҳали қиёмига етказилмаган икки банд бор. Бу бандлар молиявий аҳволни барқарорлаштиришга ва сўмни бемалол алмаштириладиган қилишга тааллуқлидир. Бу соҳадаги иш анчагина илгари силжиганлиги профессор Г. Эллисон билан учрашувда қайд этиб ўтилди.

Президентнинг етти давлат раҳбарларининг учрашувидаги иштироки хусусида кўп савол берилди. Журналистларга бундай деб уқтирилди: М. С. Горбачев Лондонга Совет Иттифоқидаги ислоҳотларни тушунтириб бериш, СССРни ва Ғарб мамлакатларини иқтисодий ҳамкорликнинг янги поғонасига кўтариш муддаоси билан бораяпти. М. С. Горбачев бу сафар кенгашга таклиф этилганлиги СССР билан Ғарбдаги етти етакчи давлат ўртасида кенг миқёсли муносабатларни йўлга қўйишдаги дастлабки қадам, холос. Бундай алоқалар босқичма-босқич ўрнатилади. Уларнинг сифатига қараб яна икки-уч йилдан кейин, эҳтимол қандайдир бошқача мақом ҳақида, ҳатто умуман саккиз етакчи давлат раҳбарларининг учрашуви ҳақида гапириш мумкин бўлиб қолса ажаб эмас. Етти етакчи давлатнинг раҳбарлари эса СССР Президентининг Совет Иттифоқини ривожлантириш концепциясини муфассал баён қилиб беришини умид қилмоқдалар, шу концепция ҳамкорликнинг илк нуқтаси бўлади. М. С. Горбачев 17 июль куни учрашувда шахсан маъруза қилиб, СССРдаги ислоҳотларнинг жамики воситалари ва йўналишларини, уларни ўтказиш муддатлари ва эҳтимол тутилган натижаларини айтиб беради.

Учрашувда қатнашиш учун Ғарб СССР олдига ҳеч қандай шартлар қўйгани йўқ, шу жумладан Кубага ёрдам беришдан воз кечишни талаб қилгани йўқ. Ўз ички мажбуриятларига содиқ бўлиб қолиш бирдан-бир шартдир.

Президент матбуот шўъбасининг раҳбари «Союз» гуруҳи раҳбарлари ва аъзоларининг Иттифоқ шартномаси лойиҳасини танқид қилиб берган баёнотларига СССР Президентининг муносабати ҳақидаги саволга жавоб қайтариб, бу баёнотларни ҳаддан ташқари бўрттириб кўрсатиш керак эмас, улар ошкора фикрлар ҳар хиллиги ва демократия доирасидан нари чиқмайди, деб айтди. «Союз» гуруҳи халқ депутатларининг фавқулодда съездини чақириш учун имзо тўплаётганлиги муносабати билан шу съездни чақириш тўғрисидаги масалани СССР Олий Кенгаши ҳал қилиши айтилди.

**А. ПЕРШИН,**
**ТАСС мухбири.**

*Қайта ишлаш саноати*

## МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Очиғини айтганда, ҳозир турли режалар ва дастурларнинг саноғига етиб бўлмай қолди. Уларнинг аксариятини қоғоздан амалиётга кўчириш қийин бўлаётир. Хўжалик ёки корхона раҳбари, етук сиёсатчи ёки депутатга қулоқ тутсангиз, барчасининг нияти улуғ, ваъдаси катта. Бироқ эндиликда қуруқ гап-сўз билан ҳаётий муаммоларнинг ечимини топиш мушкуллиги тобора яққолроқ аён бўлаяпти.

Ижтимоий тараққиётга эришиш учун мавжуд имкониятларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш керак. Бусиз аҳволни ўнглаб бўлмайди. Пухта ўйланмай қабул қилинган ҳар қандай қарор ёки дастур халқ хўжалигига зиён етказади. Узоққа бормайлик. Ичкиликбозликка қарши кураш тўғрисида қарор қабул қилиниб, токзорларга қирон бошланди. Бу кўпчиликни ўйлантириб қўйди. Йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ақл ва тадбир билан иш юритишга тўғри келди. Биз ҳам маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, сақланиш муддатини узайтириш йўлларини изладик. Шу ниятда ўзаро ҳамкорлик юзасидан Италиянинг «Сандвик» фирмаси билан шартнома туздик. Дастлаб мева қуритиш заводини барпо қилишга киришилди. Қурилиш ишлари, цехларни технологик жиҳатдан жиҳозлаш италиялик мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширилди. Малакали кадрлар тайёрлаш диққат марказида бўлди. Дўстларимиз лойиҳасига асосан корхона фақат мева пишиғи пайтида, яъни 45 кун ишлашга мўлжалланган эди. Бу бизни қаноатлантирмади. Корхонанинг йил давомида фаолият кўрсатишини таъминлаш мумкин эмасмикин? Ахир, районда кўплаб сабзавот маҳсулотлари ҳам етиштириладику? Шундай мақсад билан пойтахтдаги илмий-техника институти етакчи мутахассисларига мурожаат қилдик. Муаммонинг ечими топилди. Заводнинг имконият доираси кенгайтирилиб, ишлаб чиқариш қуввати оширилди. Сабзавот маҳсулотларини қуритиш технологияси жорий этилди.

1989 йил охирида фойдаланишга топширилган корхонамизда 11 хил қишлоқ хўжалиги неъматлари қайта ишланмоқда. Уларнинг ялпи ҳажми 15 минг тоннадан ошади. Ўрик, олма, шафтоли, гилос қоқилари, майиз тайёрлаш билан бирга пиёз, ош лавлаги, карам ва бошқа хил сабзавотлардан ҳам хом ашё сифатида фойдаланаяпмиз. Қуритилган маҳсулотнинг консерва қилинганидан афзаллиги шундаки, бу усулда фойдали моддалар—витаминларнинг 90 фоизи сақланиб қолади. Маълум технология ёрдамида қуритилган ноз-неъмат деярли асл ҳолига қайтади.

Тўғри, ҳозирча қуритилган сабзавот маҳсулотлари жумҳуриятимизда унчалик харидоргир эмас. Бунинг муайян сабаблари бор. Биринчидан, одамларимиз улардан фойдаланишга одатланишмаган. Иккинчидан, савдо дўконларида янги сабзавот қишин-ёзин бор. Корхонамизда тайёрланган маҳсулотлар Москва, Тошкент кўргазмаларида намойиш этилган. Уларнинг асосий қисмини РСФСР шаҳарларига, Чернобиль ва Тюмень аҳолисига жўнатаётирмиз. Бу жойларда қуритилган мева-сабзавотларга талаб катта. Бир килограмм карам қоқи тайёрлаш учун 24 килограмм хом ашё талаб қилинади. Нархи 16 сўм. Сақлаш қулай, узоқ муддат айнимайди. Қишда ҳам янги карам танавул қилгандек бўлади, киши. Маҳсулот ишлаб чиқариш турлари ва ҳажмини кўпайтириш ҳаракатидамиз. Яқинда «Сандвик» фирмасидан янги қурилма сотиб олдик. Уни октябрь ойигача қуриб, ишга туширамиз. Бу йил 11 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашимиз керак. Шу ният амалга ошса, 2 миллион 200 минг сўм соф фойдага эга бўламиз. Натижада турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имкони туғилади. Келаси йилдан бошлаб турар-жой, болалар боғчалари, дам олиш масканлари барпо этишга киришамиз.

Маҳсулот сифати қанча яхши бўлса, харидор шунча кўпаяди, манфаатдорлик ошади. Иқтисодий мустақилликни таъминлаш кўп жиҳатдан даромадга боғлиқ. Асосий мақсадимиз ана шу йўлни изчил ва дадил давом эттиришдир. Заводимизда тайёрланган сабзавот, помидор унига талаб ўсиб бораяпти. Улар қулай, ихчам ва бежирим идишларга қадоқланаётир. Шу туфайли узоқ йиллар айнимай, аслини сақлаб тураверади. Келаси йилдан маккажўхори қаламчалари ишлаб чиқарадиган цех қурмоқчимиз. Шунингдек, юз тоннадан зиёд хом ашё сақланадиган омборхона барпо этилади.

Хуллас, аҳолига мумкин қадар қулайлик яратиш, қиш фаслида ҳам ёз неъматларини мўл-кўл қилиш йўлида астойдил изланаяпмиз. «Сандвик» фирмаси билан манфаатли ҳамкорлик давом этаяпти. Келажакда ўз маҳсулотларимиз билан Европа ва жаҳон бозорларига чиқиш ниятимиз бор. Зеро қут-барака ҳаракат қилганлар томонида бўлади.

**М. АБДУМЎМИНОВ,**
**Хўжаобод районидаги мева қуритиш заводи директори.**

## ХАЛҚОБОД САХОВАТИ

**Ўлкамизда тўкин ёз. Бу фаслда сахий ўзбек замини бетакрор манзара касб этади. Далалар, токзорлар, полизлар ширин-шакар неъматларини кўз-кўз қилади. Пойтахтимизнинг шундоққина биқинида жойлашган Янгийўл районида бўлсангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Боғбону соҳибкорларнинг қўли қўлига тегмайди. Пайкалларда ҳосилнинг чўғи баланд. Офтоб нурида ёқутдек товланган помидорлар, шохлари ларзон олма дарахтлари кўзни қувонтиради. Улардаги ҳосил қанча тез йиғиштириб олинса, шунча соз. Ўшанда таркибидаги дармондорилар тўла сақланиб қолади, сифатига путур етмайди.**

**Кейинги йилларда район хўжаликларида пахтазорлар сезиларли қисқартирилиб, бўшаган пайкаллар боғдорчилик ва сабзавотчиликка ажратилди. Бепоён дала ва боғларда етиштирилган ноз-неъматларни қайта ишлашда Усмон Юсупов номли агросаноат бирлашмаси жамоасининг хизмати катта бўлаётир. Бу ерда жорий йил ҳосилини қабул қилишга пухта ҳозирлик кўрилди. Ҳозиргача 100 тоннадан ортиқ қулупнай қайта ишланди. Тайёрланган мураббо савдо шохобчаларига жўнатилди. Шу кунларда бирлашма корхоналарида 80 хилга яқин маҳсулот тайёрланмоқда. Омборларнинг сиғим имконияти оширилиб, 3500 тоннага етказилди. Олма, узум, ўрик, олхўри, олча, гилос, кўксултон, помидор, бодринг, саримсоқ, сабзи, бақлажон ортган машиналар карвони кети узилмай келиб турибди.**

**Шу кунгача 200 тонна олма, юзлаб тонна сабзавот маҳсулотлари қайта ишланиб, қиш дастурхони учун ғамлаб қўйилди. Корхона ишчи-хизматчилари ярим йиллик топшириқни ошиғи билан бажардилар.**

**Яқинда Москвадан хушхабар келди: СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш қилинган сара маҳсулотлар таъми, сифати жиҳатидан фахрли ўринга сазовор бўлди. Бу корхона жамоасининг фидокорона меҳнатига берилган муносиб баҳодир.**

А. ФОЗИЛОВ.

## ГУЛ МУРАББОСИ

**Хоразм қишлоқ консерва заводларида боғ ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш мавсуми бошланди. Бу муҳим ишга Шовот районидаги «Партия XIX съезди», Янгиариқ районидаги «Коммунизм», Боғот районидаги Киров номли, Хива районидаги Фрунзе номли жамоа хўжаликларида дуруст тайёргарлик кўрилди.**

**Бу хўжаликларда карам консерваси, тузланган бодрингнинг дастлабки тонналари, олча ва ўрик шарбатлари, гул япроғидан мураббо тайёрланди. Қўшкўпир район марказида, Гурлан районининг «Коммунизм» ва «Коммуна» жамоа хўжаликларида қурилган янги заводлар дастлабки маҳсулотни ишлаб чиқарди. Янгибозор, Хива ва Ҳазорасп районларининг жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларида ҳам яна бир неча шундай корхоналар бунёд этилмоқда.**

**Бу йил Хоразм қишлоқ консерва корхоналари 40 миллион банкадан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда. Қизиғи шундаки, корхоналарда фақат маҳаллий хом ашёдан фойдаланишаётгани йўқ. Вилоят консервачилари Туркманистоннинг Чоржўй ва Тошҳовуз вилоятларидаги кўпгина хўжаликлар билан мева харид қилиш юзасидан шартнома тузишди. Тайёр маҳсулот ғалла, омихта ем, ёғоч-тахта, қувурлар, ойнага алмаштирилмоқда. Бу маҳсулотлар ҳозирдаёқ Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистондан кела бошлади.**

## ҚАНДОЛАТЧИЛАР

Бозор иқтисоди ички имкониятлардан оқилона фойдаланишни тақозо этаяпти. Ҳозирги кунда мавжуд муаммоларни ишбилармонлик, тадбиркорлик йўли билангина ҳал этиш мумкин. Бу жиҳатдан Бувайда районида тилга олса арзийдиган ибратли мисоллар кўп. Калинин номли жамоа хўжалигининг маркази — Бачқир қишлоғида қандолатчилик цехи ишга туширилди. Дастлабки маҳсулотлар — парварда, ҳолва, қанд истеъмолчиларга манзур.

Яқин келажакда печак, бодроққанд, новвот ҳамда ёз неъматларидан турли хил мурабболар тайёрлаш мўлжалланаяпти. Цехда ҳар куни юз килограмм атрофида ширинлик ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Муҳаммаддин Кимсанбой ўғли, Алишер Орифжонов, Абдураҳмон Абдуллаев каби илғорлар аҳоли эҳтиёжларини қондириш, маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида астойдил меҳнат қилишаяпти.

**Т. АҲМАДЖОНОВ.**

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг қонуни*

## ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 89-модданинг 5-қисмидаги «ва давлат ҳакамлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 102-модданинг:

9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9) Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР Олий суди, область ва Тошкент шаҳар судларини, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раисини сайлайди. Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг раисини, Ўзбекистон ССР давлат банки бошқарувининг раисини тайинлайди»;

20-банди чиқариб ташлансин.

3. 105-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети навбатдаги сессияларга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан бир йилда камида уч марта чақирилади.

Навбатдан ташқари сессиялар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз ташаббуси билан ёки Ўзбекистон ССР Президенти, Қорақалпоғистон АССР давлат ҳокимияти олий органининг ё бўлмаса Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг камида учдан бир қисмининг таклифига мувофиқ чақирилади».

4. 106-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи мажлисга сайловдан кейин икки ойдан кечиктирмай олдинги чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан чақирилади».

5. 107-моддада:

Биринчи қисмидаги «Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳам қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқига эга».

6. 110-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг қарорларини имзолайди ва фармойишлар чиқаради».

7. 116-модданинг 1-қисми 5-бандидаги «Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳаками» деган сўзлар «Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик судининг раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 118-4-моддада:

6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий суди раиси, Ўзбекистон ССР Олий ҳакамлик су-

(Давоми 3-бетда).

